

Дори-дармон ва тиббиёт буюмларини етказиб бериш буйича

ШАРТНОМА №36

LU63026430

Наманган ш.

« 18 » январь 2022 йил

«Наманган Дори-Дармон» АЖ, бундан буён «Ижрочи» деб аталувчи номидан бошқарув раиси Косимов Р.Х. бир томондан, Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи номидан З.М.Мамаджонова иккинчи томондан, қуйидагилар туғрисида ушбу шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Ижрочи» ушбу шартномага асосан «Буюртмачи»га узаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги дори-дармон ва тиббий буюмларларини етказиб беради, «Буюртмачи» етказиб берилган дори-дармонларни қабул қилиб олиб, тулов ҳужжатларини амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштиради. Дори-дармон ва тиббий буюмларнинг номи, миқдори, қиймати, етказиб бериш муддатлари ва бошқа тегишли маълумотлар шартномага 1.2-банди (спецификация)га мувофиқ қабул қилинади. «Буюртмачи» тақдим этган тулов ҳужжатларига асосан белгиланган тулов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда «Буюртмачи»нинг ҳаражатлар сметасида кузда тутилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда худудий ғазна ҳисоб-рақамидан туловларни амалга оширади.

1.2. Махсулот ассортимент ва баҳоси (спецификацияси)

№	№ 39 53	Тиббий буюмларнинг номи	Ул бирл	Миқдор и	Нархи	Суммаси	НДС		Етказиб бериш қиймати НДС билан	Ишлаб чиқарувчи
							Ставка	Сумма		
1	186	Спирт этиловый «люкс»(этанол)96,3 2%	кг	30	21747,72	652431,65	15%	978 64,7 5	750296,4	
Жами: Етти юз эллик минг икки юз туксон олти сум 40 т.						750296,40			750296,40	

2. ДОРИ-ДАРМОН ва тиббий буюмларнинг СИФАТИ

2.1. Етказиб бериладиган дори-дармон ва тиббий буюмларнинг сифати Ўзбекистан Республикасининг амалдаги қонунчиликка асосан етказиб бериладиган товар ва моддий-қийматликлар учун белгиланган ГОСТ ва бошқа меъёрларга мувофиқ бўлган сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёни билан тасдиқланиши шарт;

2.2. «Ижрочи» «Буюртмачи»га дори-дармон ва тиббий буюмлармахсулоти билан бирга мувофиқлик сертификати нусхаси тақдим этади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

«Сотувчи»нинг мажбуриятлари:

3.1. «Сотувчи» етказиб бериладиган дори-дармон ва тиббий буюмлар сифатини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрларга мувофиқ булишини ҳамда тегишли сифат сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёнига эга булишини ва узаро келишилган миқдорда булишини таъминлайди;

3.2. «Харидор»га дори дармон ватиббий буюмларини етказиб бериш вақтида аниқланган камчиликларни «Харидор талабига мувофиқ 3 кунлик муддатда бартараф этади.

3.3. Дори-дармон ва тиббий буюмларини қабул қилиб олиш вақтида аниқланган камчиликларни, яъни шартноманинг 5.4 бандига мувофиқ расмийлаштирилган камчиликларни, «Буюртмачи» расмий ёзма талабига мувофиқ 7 кунлик муддатда бартараф этади.

«Харидор»нинг мажбуриятлари:

3.4. Уз талабномаси буйича етказиб берилган дори-дармон ва тиббий буюмларини мазкур шартномага ва иловага мувофиқ қабул қилиш;

3.5. Дори-дармон ва тиббий буюмларини мазкур шартноманинг келишувларида кўрсатилган нарх буйича белгиланган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китобни амалга ошириш учун тегишли ғазна муассасига ҳужжатларни тақдим этиш;

4. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. Мазкур шартноманинг умумий қиймати 750296,40 (Етти юз эллик минг икки юз туксон олти сум 40 т.) ни ташкил этади.

4.2. «Ижрочи» билан «Буюртмачи» ўртасида ҳар ойнинг бошида «Буюртмачи»нинг ёзма талабномасидан келиб чиқиб, етказиб бериладиган дори-дармон ва тиббий буюмларининг миқдори ва нархини қушимча шартнома имзолаб, муҳр билан тасдиқланади ҳамда ушбу қушимча шартнома

мазкур шартноманинг узвий қисми ҳисобланади;
 4.3. «Буюртмачи» тегишли даврда оладиган дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари учун 30 фоиз аванс туловини олдиндан «Ижрочи» ҳисоб-рақамига утказиб, колган 70 % ни ҳисоб-фактура тақдим этилгандан сунг 90-кун ичида ҳисоб-китоб қилиши лозим;
 4.4. «Ижрочи» тегишли даврда томонларнинг узаро шартнома ва иловасига мувофиқ белгиланган миқдорда ва муддатларда дори-дармон маҳсулотлари ва тиббиёт буюмларини олиб кетиш учун тайерлаб беради. «Буюртмачи» тайёр дори-дармон маҳсулотлари ва тиббиёт буюмларини узига тегишли транспорт воситасида олиб кетади.
 4.5. «Буюртмачи» етказиб берилган дори-дармон маҳсулотлари учун «Ижрочи» тақдим этган ҳужжатларга асосан узил-кесил ҳисоб-китобни узаро келишилган шартномада белгиланган муддатларда «Ижрочи» ҳисоб-рақамига пул утказиш йўли билан амалга оширади;

5. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ҳамда талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар уз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади;
 5.2. Шартнома бажарилишни бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йўл қуйилмайди. Шартнома бажарилиши рад этилиши ёки шартнома шартлари, бандлари тарафларнинг узаро икки томонлама келишувига мувофиқ расмий тартибда имзоланиб, муҳр билан тасдиқланган сунг узгартирилиши мумкин.
 5.3. Дори-дармон маҳсулотлари ва тиббиёт буюмларини илова буйича тулик, 100 % қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар буйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Шартномага мувофиқ олинган дори-дармон маҳсулотлари ва тиббий буюмлар учун туловлар тулик қийматда, 100 %, Ижрочининг ҳисоб рақамига утказиб берилган сана «Буюртмачи» мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.
 5.4. «Ижрочи» томонидан тайёрланиб, «Буюртмачи» томонидан олиб кетилаётган дори-дармон маҳсулоти ва тиббиёт буюмлари бевосита «Буюртмачи»нинг масъул ходими томонидан далолатнома ёки юк хати буйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган дори-дармон маҳсулоти миқдори, уларнинг сифати курсатилади. Агар «Буюртмачи» масъул ходими, вакили томонидан қабул қилиниб, олиб кетилаётган дори-дармон маҳсулотлари ва тиббиёт буюмлари сифати, сони, миқдори, ҳолати, сакланиши ва бошқа хусусиятлари юзасидан эътирозлар мавжуд бўлиб, камчиликлар аниқланган тақдирда бевосита қабул қилиш жараёнида ушбу ҳолатлар далолатномада акс эттирилиб, тарафларнинг масъул ходимлари томонидан имзоланиб, тасдиқланиши шарт. Шартномада белгиланган тартибда ёзма равишда расмийлаштирилиб, аниқланган камчиликлар 3 кунлик иш кунини давомидан «Ижрочи» томонидан бартараф этилиши лозим. Тегишли тартибда ёзма равишда расмийлаштирилиб, «Буюртмачи» ёки унинг масъул ходими, вакили томонидан олиб кетилган дори-дармон маҳсулотлари ва тиббиёт буюмлари «Ижрочи» томонидан қайтариб олинмайди.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Дори-дармон маҳсулотларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тулик етказиб берилмаган тақдирда «Ижрочи» «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган дори-дармон маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня туланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва дори-дармон маҳсулоти етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тулик етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди;
 6.2. Етказиб берилган дори-дармон маҳсулоти учун уз вақтида ҳақ туланмаганда «Буюртмачи» «Ижрочи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бу кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак;
 6.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар қоидага кура мустақил равишда уларни судгача қонуний ҳал этиш чораларини курадилар;
 7.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун туманлараро иктисодий судга муурожаат қилишга ҳақлидир.

8. ФОРС-МАЖОР

8.1. Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер қимирлаши, сел қилиши каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси президенти, қонун чиқарувчи, ижроия ҳукумати томонидан янги фармон, қонун, қарор ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қушимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини уз зиммаларига олмайдилар.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Мазкур шартнома «Харидор» ва етказиб бурувчи томонидан тасдиқланиб, «Газначилик» бўлиммаси руйхатга олингандан сўнг кучга киради ва 2022 йил « 31 » декабрга қадар амал қилади;
 9.2. Томонлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тулик яқунланган тақдирда тугатилади.

10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

11. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА
БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:


«ИЖРОЧИ»

«Буюртмачи»

«Наманган Дори-Дармон» АЖ
Наманган ш., У.Носир кучаси, 12 уй
тел 227-20-30, 221-23-73
х/р 20210000700306609001
Миллий банк Наманган булими
МФО 00222; ОКОНХ 71150
СТИР 200046886


Буюртмачи номи: Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси
Манзил: Уйчи т.А.Темур кучаси 34-Уй
Тел/факс 9986948 21 293
шҒХ: 100022860142297073101054001
Ташкилотнинг СТИРи: 200099623
Оконх_86100 Мфо 00014
Узбекистон Республикаси молия вазирлиги газна
(газначилик булими номи)

Бошқарув Раиси Р.Х.Косимов
(Ф.И.Ш.)



М.У.

ЯҒХ 23 402 000 300 100 001 010
Банкнинг номи: Марказий банкининг Тошкент ш
Бош бошқармаси ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)
МФО;00014
Газначилик булинмаси СТИР 201 122 919
Рахбар З.Мамаджонова




М.У.

Изоҳ:

*)- бюджетдан маблағ олувчининг газначилик булинмасида очилган тегишли шахсий хисоб вараги (шахси хисоб варақлари) курсатилади.

**-)бюджетдан маблағ олувчининг бюджетдан ташқари маблағлари буйича талаб килиб олингунча хисобвараги курсатилади.

Ушбу шартнома лойихаси Уз.Р. «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонунининг 10,24-34 моддалари ва Уз.Р.»Фуқаролик кодекси»нинг 386-424 моддалари талабларига жавоб беради.
Хуқуқшунос



LU63026430

**YURIDIK AXAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№- LU63026430

1. loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi:

36-sonli dori-darmon mahsulotlari etkazib berish to'g'risida shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida malumot:

Uychi tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022 yil 18 yanvar kuni ishlab chiqilgan va 2022 yil 19 yanvar kuni mazkur dasturga kiritilgan.

Hujjatni qabul qilishga asos:

-O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksining 364, 437-438, 440-442, 446, 449-moddalari;

-O'zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi 670-I-sonli Qonuni;

-O'zbekiston Respublikasi VMning 27.09.2018 yildagi 3953-sonli qarori; Ilova ro'yhatni 18-bandi;

- O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Loyiha boshqaruvi milliy agentligining 07.12.2018 yildagi 02/16-1-4820-sonli ko'rsatma hati va O'zbekiston Respublikasi SSV bilan kelishilgan holdagi dori-darmonlar ro'yhati,

-Yuridik shahsni davlat ro'yhatidan o'tkazish to'g'risida 7412-sonli guvohnomasi va Farmatseftika faoliyatini amalga oshirish uchun 15514-sonli litsenziya.

Xulosa: "Namangan dori-darmon" AJ. bilan **36-sonli** dori-darmon mahsulotlari etkazib berish to'g'risidagi shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti :



I.To'raev

2022 yil «19» yanvar